


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

70310802-Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати магистратура
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



Саш

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишиладир.

МУНДАРИЖА

T/p	бет
1. 70310802-Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи.....	4
1.1. Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 70310802-Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 70310802-Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи.....	4
1.2.1. 70310802-Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари	4
1.2.2. 70310802-Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари	4
1.2.3. 70310802-Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4. 70310802-Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари	5
2. 70310802-Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув вараги	9

1. 70310802–Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70310802–Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. 70310802–Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **70310802–Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошка манфаатдор шахслар.

1.2. 70310802–Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70310802–Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70310802–Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати – «Ижтимоий ва хулқатворга мансуб фанлар» соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва гарб тилларини ўқитиш, илмий ҳамда сиёсий масалалар билан боғлиқ академик, илмий-тадқиқот ҳамда илмий-ишлаб чиқариш муассасалари ва ташкилотлари; давлат бошқаруви органлари; халқаро ташкилотлар; сиёсий партиялар; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тармок илмий-тадқиқот институтлари; ташкилотлар; хорижий мамлакатлар билан боғлиқ нодавлат ва нотижорат ташкилотлар; хусусийлиги исталган шаклда бўлган ишлаб чиқариш бирлашмаларида хавфзизликни таъминлаш, истиқболини белгилашга, касбий кўниммага, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 70310802–Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг обьектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва гарб тилларини ўқитиш бўйича педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- тизимли таҳлил ва оптималь қарор қабул қилиш жараёнлари;
- микдорий ва сифатли таҳлил, дедуктив, статистик ва компьютерли моделлаштириш, матнларни ва сиёсий жараёнларни кузатиш асосида таҳлил қилиш ва экспериментал услублардан жараёнлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органларидағи бошқарув жараёнлари;
- тизимли фикр юритиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, тадқиқот мақсадини белгилаш қобилияти, муаммони ҳал қилиш йўналишини аниклай олиш, миллий манфаатлар асосида ҳалқаро муносабатлар йўналишини тушуниш, баҳолаш ва тегишли тавсиялар ишлаб чикиш жараёнлари;
- ҳалқаро, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;
- Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларидан келиб чиқиб, ўз соҳасининг асосини комплекс англашда тизимли таҳлилни қўллаш жараёнлари.

1.2.3. 70310802-Ҳалқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати мутахassisлиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- хисоб, таҳлил ва назорат фаолияти;
- хукуқ-тартибот фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 70310802-Ҳалқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати мутахassisлиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70310802-Ҳалқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати мутахassisлиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган ҳуросалар чиқариш, илмий янгиликларни кашиб этиш;
- илмий мақолалар, маъruzалар, рисола, ўкув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чикиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуклар ҳакидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахassisлик мавзуси бўйича илмий лойихаларни ишлаб чикиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахassisлиги бўйича педагогик ва ўкув-услубий фаолият юритиш;
- ўкув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўкув машғулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўкув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Хуқук-тартибот фаолиятида:

- конунийлик ва хуқук-тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, турли мулк шаклларини ҳимоя қилиш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;
- сиёсий жараёнларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш; *на таҳдид солувчи*
- халқаро хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги жиноятлар ва конунбузарликларни профилактика қилиш, огоҳлантириш, аниқлаш ва очиш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишини режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- давлат бошқаруви органлари фаолиятини режалаштириш, сиёсий таҳлил ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқукий ҳамда меъёрий-ҳуқукий ҳужжатлар;
- сайловлар жараёнини ташкил этиш, муҳим сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол қатнашиш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш борасидаги таклифлар киритиши йўли билан сиёсий барқарорликни таъминлаш;
- қабул қилинадиган қарорларни миллий, минтақавий ва глобал хавфсизлик, ижтимоий-иктисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқишида ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- давлатлараро ҳамкорлик шартномаларини тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисботни олиб боришни ташкил этиш, ҳисботларни тузиш тартибларини аниқлаш;
- ички ва ташки сиёсат истиқболини белгилаш юзасидан таклифларни илгари суриш, сиёсий фанлар ҳамда халқаро муносабатлар соҳасини ривожлантириш;
- Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги тизимида, шу жумладан Дипломатик сервис хизмати, Жаҳон ахборот агентлиги ва Дипломатик курсларда касбий фаолиятни амалга ошириш.

2. 70310802-Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;
- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил кила олиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқукий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустакил қарорлар қабул кила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиш, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон килинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиха тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиха тайёрлаш малакаларига эга бўлиш;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиш;

- ички ва ташқи сиёсий фаолият билан боғлиқ жараёнларни ўзлаштириш ва амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларида, хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларида касбий фаолиятни амалга ошириш;

- вазирликлар, давлат қўмиталари, ҳокимликлар ва бошқа давлат идоралари, муассасаларининг ҳалқаро бошқарма ва бўлимларида касбий фаолиятни амалга ошириш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича стратегик режаларни ишлаб чиқиш, давлатлараро низоларни ҳал этиш юзасидан илмий-концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;

- ҳалқаро ташкилотларда, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро ташкилотлардаги ваколатхоналарида ва ҳалқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналарида касбий фаолиятни амалга ошириш;

- ижтимоий-гуманитар йўналишдаги илмий-тадқиқот муассасаларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни сиёсий ва ҳуқуқий эспертизадан ўтказишни билиш ва амалда кўллаш малака ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, халқаро муносабатлар назариясида тушунчалар ва концепциялар; замонавий назарий билимларнинг эришган натижалари ва уларнинг жаҳон сиёсати амалиётига ва замонавий таҳлилга таъсири; халқаро муносабатларни тадқиқ этишнинг анъанавий ёндашувлари; замонавий халқаро муносабатларни шакллантиришнинг асосий босқичлари; халқаро муносабатларни таҳлил этишда назарий фикрлар; халқаро муносабатлар тизими; халқаро муносабатларнинг асосий назария ва парадигмалари сифатида реализм ва идеализм; халқаро сиёсий иқтисодни тадқиқ этишнинг ёндашувлари; халқаро муносабатлар назариясида мағкура ва маданият; халқаро муносабатлар назариясида конструктивизм жамоатчилик фикрининг йўналишларидан бири сифатида; геосиёсатнинг халқаро муносабатлардаги роли; давлатнинг халқаро муносабатлар иштирокчиси сифатидаги ўрни ва роли; индивиднинг халқаро муносабатлардаги ўрни ва роли; халқаро муносабатларнинг нодавлат иштирокчилари; халқаро муносабатлар иштирокчиларининг максади, воситалари ва стратегияси, халқаро муносабатларда миллий манбаатлар тушунчаси; халқаро муносабатлар назариясида қарор қабул қилиш механизми; халқаро муносабатлар назариясида уруш ва низолар; халқаро муносабатлар назариясида гендер муаммоси; глобализация ва халқаро муносабатлар.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Ректор

Г.Ш.Рихсиева

2021 йил « 18 » 08



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълим министри
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.

М.Эсанов

2021 йил « 18 » 08



Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети

С.Сафоев

Ректор в.б.

2021 йил « 18 » 08



Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви
академияси

Проректор

Х.Азизов

2021 йил « 18 » 08



Мирзо Улутбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети

Ректор

И.Мажидов

2021 йил « 18 » 08

М.Ү.

